

Тўхлиев Б. ф.ф.д., профессор
Йўлдошева Ш.Ф
ТошДШИ 1-босқич магистранти

ИСКАНДАР ОБРАЗИНИНГ ШАРҚ ВА ҒАРБ МАНБАЛАРИДА ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ

Kalit soʻzlar: *Iskandar, Manba, obraz, tarixiy fakt, sharq va gʻarb, badiiy adabiyot, afsona, antik davr, ilohiylashtirish, xalq ogʻzaki ijodi, tadqiqot.*

Key words: *Iskender, source, personage, historical fact, East and West, belles-lettres, legend, antic-era, theologize, folk, research.*

Ключевые слова: *Искендер, источник, образ, исторический факт, восток и запад, художественная литература, миф, античный век, божественное просвещение, фольклор, исследование.*

Annotatsiya: *Maqolada Iskandar obrazining sharq va gʻarb manbalarida qay tarzda tadqiq etilganligi yoritib berilgan boʻlib, uning sharq va gʻarb tarixiy, ilmiy, adabiy manbalarida tutgan oʻrni va farqli jihatlari xususida yuzaga kelgan bir qator muammoli va bahsli vaziyatlar ochib berilgan.*

Annotation: *The article gives an overview of Iskander's study of eastern and western sources and explains some of the most problematic and controversial issues that have arisen in the East and West in the historical, scientific, literary sources.*

Аннотация: *В статье дается обзор изучения Искандера восточных и западных источников и объясняются некоторые из наиболее проблемных и противоречивых вопросов, возникших на Востоке и Западе в исторических, научных, литературных источниках.*

Искандар ким бўлган? Александр Македонский билан Искандар Зулқарнайн бир одамми? Албатта бу саволнинг жавоби кўпчиликни қизиқтиради.

Ушбу мақолада биз тарихдаги ва бадий адабиётдаги Искандарнинг ўзига хосликлари, фарқли жиҳатлари ва манбалардаги айрим муаммоли вазиятлар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Антик даврдан тортиб то бугунги кунгача кўпгина Искандар образи турлича талкин этилади, уларда бу ҳақида кўплаб илмий, тарихий, адабий асарлар яратилган. Ушбу жараён бугунги кунда ҳам қизғин давом этмоқда. Мазкур ишимизнинг долзарблиги шундан иборатки, бугунги кунда шарқ ва ғарб манбаларида Искандар образига қай жиҳатдан ёндашилганлигини турли манбаларга мурожаат этган ҳолда асослаб бериш ва энг асосийси шарқда мусулмон оламининг муқаддас китоби бўлмиш “Қуръони Карим”да Искандар тимсолининг қай тарзда ёритилганлигини изоҳлашдан иборатдир.

Антик давр тарихчилари Плутарх «Александр», Квинт Курсий Руф «Александр Македонский тарихи», Диодор «Тарихий кутубхона», Арриан «Александрнинг юриши», қолаверса, Э.Е. Костюхин «Александр Македонский в литературной и фольклорной традиции», Н.П. Остроумов «Искандар Зул-

Карнайн (Александр Македонский)», китобларида тарихий фактлар етакчилик қилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Бадиий адабиётда ва халқ оғзаки ижодида Искандар образи билан тарихий Искандарни кўп ҳолларда бир инсон дея чалкаштириб юборамиз. Жумладан, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Низомийнинг “Искандарнома”, Дехлавийнинг “Ойинаи Искандарий”, Жомийнинг “Ҳирадномаи Искандар”, Кайковуснинг «Қобуснома», Навоийнинг “Садди Искандарий”, Аҳмадийнинг “Искандарнома”, М.А.Соқалийнинг “Туркменский сказочный эпос» қолаверса, замонавий ёзувчилардан Миркарим Осимнинг “Александр ва Спитамен” асарлари, аввало, бадиийликка таянилган ҳолда яратилиниб, уларнинг кўпчилигида ижодкор импровизацияси ва халқ оғзаки ижоди намуналарига мурожаат яққол уфуриб туради. Аниқроқ айтадиган бўлсак, уларда Искандар образининг баъзи бир тарихий илдизларидан намуналар келтирилгани ҳолда, кўпроқ бадиий тўқималар устунлик қилади ва тарихий факт иккинчи ўринга силжийди. Бу борада Э.Костюхин куйидагича фикр билдиради: “Антик даврдан сўнг Александр ҳақидаги асарларнинг қурилишида чуқур ўзгаришлар рўй берди, бадиий тўқима худди реал воқелик сингари чуқур ўринни эгаллаб, тарихий масалалар муҳим бўлмайд қолди”¹.

Шарқ адабиётида ушбу Искандар мавзусига илк маротаба мурожаат этган шоир ҳеч шубҳасиз Фирдавсийдир. Фирдавсий яшаган (940-1025) давр араб истилосидан кейинги вақт бўлган. Ҳар даврда бўлгани сингари, бу ўринда тарих ва ўтмишга мурожаат ҳам давр талабидан келиб чиққан ҳолда талқин этишни тақозо этганини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари қадимий Эрон подшоларининг шонли тарихини ёритишга бағишланган. “Шоҳнома” таркибидаги дostonларнинг бири Искандар хусусида. Асарда у Эроннинг қадимий ҳукмдорларидан бўлмиш Доронинг ўғли сифатида талқин этилади. Фирдавсий Искандар образига мурожаатида расмий-тарихий йилномалардан ҳам унумли фойдаланган. Шу билан бирга, Искандарга одил ва қўли очиқ подшоҳ сифатида тавсиф бериб, унга бадиий руҳ бахш этади. Асосийси, ушбу асарда шоир унинг ҳарбий юришлари ёхуд юришларининг оқибатлари хусусида сўз юритмайди. Аксинча, Искандар қўлга киритган ғалабаларини юқори пафосда тасвирлайди. Ўрта аср тарихчиси Балъамий ҳам ўзининг “Тарихи Балъамий” асарида Искандар ва Доро тўқнашуви хусусида сўз юритар экан, Искандар Дорони ўлдириш учун икки нафар хизматкоридан хуфиёна равишда фойдалангани тўғрисида маълумот беради². Худди шу мисолни Фирдавсий ўз асаридабошқачароқ шаклда тақдим этади: Искандар билан Доро жангидан сўнг, Доронинг икки вазири Искандардан мукофот олиш истагида уни ўлдирадидлар. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Фирдавсий ва Балъамий бир вақтда яшашган. Шунга қарамай бу икки ёзувчи Искандар образига турлича ёндашади. Кўриниб турганидай, Балъамийнинг асарида келтирилган Искандар Фирдавсий тавсиф этган қахрамонга мутлақо зиддир.

¹ Костюхин Е.А. Александр Македонский в литературной и фольклорной традиции. М.1972.Стр 20.

² Бертельс Е.Э “Навои и Джами” М.1965.С.294.

Искандар тарихи “Қуръони Карим” нинг 18 сураси Каҳв сураси (Мазкур сурада кишиларнинг Аллоҳга бўлган иймон-е’тиқодларини мустаҳкамлаш учун энг гўзал, ибратли қиссалардан учтаси сўзлаб берилган. Сурадаги 3-қисса Зулқарнайн хусусида) дир. Искандар ҳақидаги оятлар 83-оятдан бошланиб 110-оятга қадар давом этади. Улар Искандар ҳақидаги ҳикоятнинг қисмларидир. Уларда Искандар образи ўзига хос тарзда акс этган. Мазкур номи зикр этилган инсон айнан милоддан аввалги 356-323 йилларда яшаган саркардами? деган савол ўз ўзидан туғилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Қуръонда Искандар донишманд образида гавдаланганини гувоҳи бўламиз. Унда мусулмонлар ўзлари ечолмаган энг мураккаб саволлар билан унга мурожаат этадилар. “Қуръон”да Искандар афсонавий, илоҳийлаштирилган ҳолда таърифланади. Ҳатто худонинг ердаги сояси, яъни ноиби сифатида тилга олинган³. Яна бу сурадан молу давлат ғурурланишга арзимайдиган нарсалар экани, умуман бу ҳаёти дунё ўткинчи – бебақолиги ҳақида айтган бир қанча ибратли мисоллари мавжуд. Демак, Қуръонда номи зикр этилган Искандар Зулқарнайн юксак илм соҳиби сифатида намоён бўлади. Жумладан, рус олими М.Пиотровский ушбу ўринда қуйидагича маълумот беради: “Мусулмон оламида Александр Македонский шахсига бўлган эътибор ва қизиқиш у ҳақдаги ривоятнинг Қуръонда акс этганлиги ҳам сабаб бўлди. Ушбу ривоят талқинида Искандар Зулқарнайн эришган барча ғалабалар яратувчи – Оллоҳнинг иродаси билан бўлганлиги асосий ғоядир. Олимлар Искандар ҳақидаги ривоят Арабистон ярим оролида исломдан илгари ҳам бўлганини қайд этадилар.”⁴

Искандар Македонский (Мақдуний) асосий тарбияни устози Арастудан олган. Буни кўпгина тарих китоблари тасдиқлайди. Агар ҳақиқатда ҳам шундай бўлса, унда бу Искандар Қуръондаги Зулқарнайн эмаслиги ўз-ўзидан ойдинлашади. Қуръонда фақат «Зулқарнайн» тарзида келган, исм айтилмаган. Шунинг учун «Тафсири Жалолайн» китобида: “Зулқарнайн бўлиб келдими, фақат шундай аташимиз кифоя қилади”⁵, дейилади.

Зулқарнайнни пайғамбар дейдиганлар ҳам бор. Ҳазрати Алидан (р.а.) пайғамбар бўлганми деб сўралганида: «Одамларни тўғри йўлга бошлаган Аллоҳнинг солиҳ бандаси бўлган»⁶, деб жавоб берганлар. Қуръони Каримда номи зикр этилган учта шахснинг пайғамбарлиги баҳслидир. Улар Лукмони Ҳаким, Ҳазрати Ҳизр ва Зулқарнайндириллар. Турк олими Мустафо Осим Кўксол ўзининг «Пайғамбарлар тарихи» китобида Зулқарнайнни ҳам пайғамбарлар қаторига киритган. Лекин, Зулқарнайннинг пайғамбарлигини инкор этувчилар ҳам бор, дея изоҳ беради.⁷ Раҳматуллоҳ қори Обидовнинг “Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти» номли китобида келган: «Икки

³ Бойназаров Ф. Искандар Зулқарнайн. Тошкент., Фафур Ғулом. “Адабиёт ва санъат”., 1990. Б.23.

⁴ Пиотровский М.Б. Коранические сказания. –М.1991.С.147-149.

⁵ Тафсири Жалолайн. Каҳф сураси тафсири. Дорус саъада, Истанбул.Б 392.

⁶ Ибни Касир. Тафсирул Куръанил Азим, Каҳф сурасининг тафсири. Дарул маърифат, Байрут, 3 жузъ, 1989 й. 106-бет.

⁷ М.О.Кўксол. Пайғамбарлар тарихи, 2 жилд. –Анқара, 1993. Б.286.

шоҳли Искандар” атамаси Македония хукмдорининг кейинчалик Амон худоси – буқа сифатида тасвирлаганидан келиб чиққан (Раҳматуллоҳ Обидов. Қуръон мавзуларининг маънавий тарихий аҳамияти. 306-бет. 2006.). деган таъриф Қуръондаги Зулқарнайн билан македониялик Искандар бир шахслигига ишора қилади. Искандар Мақдуний ва ундан кейинги тарих анча яхши ўрганилган. Мақдуний ҳам «Зулқарнайн» деб ном олган бўлиши мумкин. Каҳв сурасида Зулқарнайн хусусида сўз қуйидагича бошланган:

83-оят

وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْقَرْنَيْنِ قُلْ سَأَتْلُو عَلَيْكُمْ مِنْهُ ذِكْرًا

Таржимаси:

“Сендан Зулқарнайн ҳақида сўрашлар. сен: «Сизга унинг ҳақидаги зикрни тиловат қилурман», дегин”.

Баъзи ривоятларда яҳудийлар сўраган, дейилса, бошқаларида яҳудийлар ўргатган, қурайшликлар сўраган, ҳам дейишади. Умуман олганда, одамлар Пайгамбардан (с.а.в.) Зулқарнайн ҳақида сўрашган. Қуръоннинг хабар бериши шундай. Аллоҳ Пайгамбарига савол ҳақида хабар бериб, унга қандай жавоб беришни ҳам ўзи ўргатмоқда: Ўша зикр-хабарга назар солинса, сўров Зулқарнайннинг шахси, яшаган жойи ёки замони ҳақида эмас, балки бошқа нарсалар, яъни, қилган ишлари ҳақида экани ойдинлашади.

Қуйидаги келтирилган баъзи оятлар Зулқарнайнга Аллоҳ томонидан берилган имкониятлар ва у қилган ишлари хусусидаги манбалардан иборат:

84 -оят

إِنَّا مَكَّنَّا لَهُ فِي الْأَرْضِ وَآتَيْنَاهُ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ سَبَبًا

Таржимаси:

Албатта, Биз унга ер юзида имконият бердик ва ҳар бир нарсага (эришиш) сабабини ато қилдик.

Юқоридаги оятдан англаб олишимиз мумкинки, Аллоҳ таоло Зулқарнайнга ер юзида хукмронлик қилиш ва бошқа катта-катта имкониятларни ато этган. Лекин, эътибор беришимиз керакки ушбу ўринда Зулқарнайнга пайгамбар сифатида эмас, Аллоҳнинг бир раҳмати инъом этилган банд сифатида гавдалантирилган. Шу билан бирга унга ҳокимият ҳам берилган.

Юқорида, дастлаб, Зулқарнайнга оллоҳ томонидан хукмронлик қилиш инъом этилганлиги сабаби келтирилган бўлиб, кейинги оятларда, хусусан, 85 оятдан 110 оятгача Зулқарнайнга инсонларнинг саволлари берилади, кўришимиз мумкинки Искандар Аллоҳ берган имкониятдан фойдаланиб, ўзининг доно жавобларини бера бошлайди. Лекин, Каҳв сурасининг 94 оятида инсонлар Искандардан яъжуж ва маъжужларнинг ер юзида бузғунчилик қилмасликлари учун улар орасига тўсиқ қилиб беришини сўрайдилар:

قَالُوا يَا ذَا الْقُرْآنِ إِنَّ يَأْجُوجَ وَمَأْجُوجَ مُفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ فَهَلْ نَجْعَلُ لَكَ خَرْجاً عَلَى أَنْ تَجْعَلَ بَيْنَنَا وَبَيْنَهُمْ سَدًّا

Таржимаси:

Улар: «Эй Зулқарнайн, албатта, Яъжуж ва Маъжуж ер юзида бузғунчилик қилгувчилардир. Биз сенга харожи берсак, биз билан уларнинг орасида тўсиқ қилиб берурмисан?» дедилар. (Яъжуж ва Маъжуж ҳақида ҳам жуда кўп гаплар бор. Бу ҳам тахминий гаплардан иборатдир. Биз эса, Қуръони Каримдаги маълумотлар билан кифояланамиз.)

Эътибор берсак оятлар кетма кетлигида савол –жавобларнинг берилиш структураси ҳам жуда ҳам тартиб билан аниқ келтириб ўтилган бўлиб, бир оятда инсонлар саволлари келтирилса, кейинги ўринда келган оятда ўша саволга берилган жавоблар ўрин олган. Юқоридаги 94 оятда инсонлар Зулқарнайнга савол билан мурожаат этган бўлсалар, 95 оятда Зулқарнайннинг жавоби ўрин олган ва у қуйидагича баён этилган:

قَالَ مَا مَكَّنِّي فِيهِ رَبِّي خَيْرٌ فَأَعِينُونِي بِقُوَّةٍ أَجْعَلْ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُمْ رَدْمًا

Таржимаси:

У: “Роббим менга берган имконият яхшидир. Бас, сиз менга куч ила ёрдам беринг. Сиз билан уларнинг орасида бир девор қилажасанман”.

Тадқиқотчи И. Исмоиловнинг таъкидлашича: “Муҳими, Навоий Шарқдаги Искандарга оид асл манбаларнинг тарихий Александрга олиб боришидан хабардор бўлган. Аммо бу фикрга таяниб Александр ва Искандарни айнан бир шахс сифатида тушуниш ўзини оқламайди. Зеро, Шарқдаги Искандар ғарбдаги Александрнинг тегишли тарихий-адабий ўзгаришларга – трансформацияга учраган образи бўлиб, уларни ўзаро қиёслаш тарихий Александрнинг қандай қилиб Искандарга айлангани, бу жараёндаги шаклий ва мазмуний ўзгаришлар даражаси ҳамда кўлами, мақсад ва вазифаларини белгилаш, турли халқлар мафқуралари синтезини аниқлаш нуқтаи назаридан тўғри бўлади”⁸.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бадий адабиётда Искандар образини тасвирлашда ғарб антик давр илм соҳиблари Плутарх, Квинт Курсий Руф, Диодор уларда асосан тарихийлик принципи амал қилган бўлиб, унда ҳақиқат устунлик қилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Яъни уларнинг асарларида Александр Македонский характери ҳам ижобий ва ҳам салбий ҳолда очиқ-ойдин тарзда тасвирланган. Шарқ манбаларида, жумладан, Низомий, Фирдавсий, Навоий, Аҳмадий, Балъамий ижодларидаги Искандар образида кўпроқ бадийлик ҳукмронлик қилиб, мазкур тарихий шахсга ижодий ёндошилиб, унда бадий-тўқима асосида воқеалар ижодкор ҳаёлий олами маҳсули ҳисобланади. Ислом оламида Қуръонда келтирилган Искандар эса гарчи унинг ҳукмронлик инъом этилганлиги, инсонларга ёрдам бериши тўғрисида келтирилган жиҳатлари тарихда яшаган ва ҳукмронлик қилган Александр Македонскийга умумий баъзи жиҳатлари ўхшаса-да лекин ҳар доим уларнинг икки алоҳида шахс бўлганлигини унутмаслигимиз даркор.

⁸ Исмоилов И. Алишер Навоий ижодида Искандар образи. – Тошкент. Баёз, 2017. Б.116.